

**№ 73 - СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Андижон ш.**

**2022 йил “5” январь**

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” 12 даги 27-01-14/6027-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияning Андижон филиали директори Ш.Ахмедов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва “Андижон вилояти ўрмон хўжалиги бош бошқармаси” номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *Х.Ахмедов* (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалицида - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатилиши тўғрисида абонент шартномасини тузиша расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чишиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хуқук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматлариридан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Иль бор уланишда Абонент тўлови **100** (бир юз) физик миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичизда ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибиба солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки элекtron шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тутишиларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўллади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал килиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманларапо иктисадий судида кўриб чикилади.

## 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чорал, кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятин юқори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonома/шикоят/таклиф кўринишидан мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

## 7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белgilanади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2021 йил 31 марта кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белgilanган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тағбик этилмайди) ўз шартларини бажкаришини давом этирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 марта кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул қилганлиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этиди.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклиниң ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз қутида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календар яун ичиза бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилгандা (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| ОПЕРАТОР:  | АБОНЕНТ:   |
|--|--|
| “Ўзбектелеком” АҚ<br>Андижон филиали   | “Андижон вилояти ўрмон хўжалиги<br>бош бошқармаси”   |
| Манзил: Андижон шаҳар Лермонтов кўчаси 12-йй<br>Банк маълумотлари: “Алокабанк” Андижон филиали<br>х/р: 2021000104074838308;<br>СТИР: 203366731;<br>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 74 2265656;<br>E-mail: <a href="mailto:andtel@uztelecom.uz">andtel@uztelecom.uz</a> ; | Манзил: ANDIJON DAVLAT O'RMON XO'JALIGI<br>ANDIJON SHAHRI, TOSHKENT KO'CHASI, 38<br>Банк маълумотлари: ANDIJON VILYOYAT GAZNACHILIGI<br>х/р: 02B.RESP. MOLIYA VAZIRLIGI GAZNACHILIGI<br>СТИР: H/R: 23402000300100001010<br>МФО: MFO: 00014 STIR: 201122919<br>Банк номи: ANDIJON VILYOYAT GAZNACHILIK BOSHQARMASI<br>Тел: Sh.H/R:100021860034017042203142001<br>E-mail: Sh.H/R:40012186003/017042203142001<br>STIR:200240306 XXTUT:31100 |
| Оператор номидан:<br><br>Ахмедов Ш.Н.<br>(ИМЗО)<br>М.Ҷ.   | Абонент номидан:<br><br>Х.Найдов<br>(ИМЗО)<br>М.Ҷ.   |

2022 йил “5” январь  
№ 73 – сонли  
абонент шартномасига  
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

| t/p                                   | Хизматлар номи                            | ҚҚС билан<br>нархи<br>(миқдори) | Асос     | Ойлар сони | 15% ҚҚС билан<br>Тўлов миқдори,<br>(сўмда) |
|---------------------------------------|---|---------------------------------|----------|------------|--|
| 1                                     | 2   | 3                               | 4        | 5          | 7  |
| <b>I. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b> |   |                                 |          |            |  |
| 1.1                                   | Абонент тўлови<br>(Интернет хизмати учун) | 50 000.00                       | Нархнома | 3          | 150 000.00                                 |
| Жами: <i>Буюнчег жиссадидан.</i>      |   |                                 |          |            | 150 000.00                                 |

Шартноманинг умумий миқдори 150 000.00 (бир юз эллик минг сўм, 00 тийин) сўмни ташкил этади, 15 % миқдоридаги ҚҚС ни инобатга олган ҳолда. Ундан 50 000.00 (эллик минг сўм, 00 тийин) сўм миқдоридаги ойлик тўлов

ОПЕРАТОР:  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Андижон филиали

Оператор номидан:



/имзо/

М.ў

АБОНЕНТ:  
“Андижон вилояти ўрмон хўжалиги  
бош бошқармаси”

Абонент номидан:



/имзо/

М.ў